Фестивалнинг бош мақсади – турли миллат вакилларини бирлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Касбий байрам

18 декабрь-Халқаро мухожирлик куни. Хар йили айнан шу куни уйларидан олисда, ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган, қийин вазиятларга тушиб қолган одамларга ёрдам беришлик тўғрисидаги чақирувларни эшитиш мумкин.

Барчаси олис 1990 йилларда бошланган, бунда БМТ Бош Ассамблеяси барча меҳнат қилаётган мухожирлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро Конвенцияни қабул қилган эди (резолюция 45/158). 2000 йилнинг 4 декабрида эса, БМТ Бош Ассамблеяси «Халқаро мухожирлик куни»ни расман тасдиқлади ва шу йилдан бошлаб 18 декабрь ҳар йили байрам сифатида нишонлана бошланди. Бундай қарор қабул қилинишига асосий туртки бўлиб, сўнги йилларда бутун дунё бўйича кўчувчиларни сони кескин ошиб кетиши бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Қадрдон уйингдан узоқлаша туриб
Тайёра дарчасидан боқасан ғамгин.
Чарқоқ тортмиш манглайда ажин
Гўё бўм-бўш туюлар жаҳон!

Дилда янграб орзулар сози,
Олисларга бошлади иқбол.
Мусофир юртда ишлайсан бедор,
Тезроқ қайтишга бўлиб умидвор!

Азиз дўстим ўзлигингни унутма зинҳор,
Ўзбек деган номни қилмагин бадном.
Бошинг кўрмасин асло мусибат,
Оилангда ҳамиша бўлсин ҳаловат!

Халқаро мухожирлик куни кўпаб мамлакатларда ва нодавлат ташкилотларда кенг кўламда нишонланади. Бу кунда улар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатадилар, мухожирлар ҳақидаги қонунларга бағишланган акция ва конференциялар ўтказадилар. Чунки уларнинг ўз олдига қўйган бош мақсади-дунёнинг ҳар қандай нуқтасида инсонлар ҳимоясини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Экспертларнинг баҳолашларича, ер шарининг ҳар бир 35-чи киши, ўз юртидан четда яшаб ишлаётган мухожир ҳисобланар экан.

Ушбу кун киндик қони тўкилган ватанини, қадрдон оиласи ва ёру-биродарларини ташлаб, бошқа шаҳарга ва ҳаттоки бегона юртларга келишга мажбур бўлган инсонлар тўғрисида ўйлаб кўришга ва улар тўғрисида қайғуришга имкон беради. Ўз ватанини ва оиласини ташлаб келишни камдан кам одамлар ўз ҳоҳиши билан қилса керак, асосан инсонларни жуда кўп қисми бу ҳаракатни заруриятдан, мухтожликдан, тирикчилик учун бироз бўлсада пул ишлаш мақсадида амалга оширадилар. Буюк шоир А.С. Пушкин ушбу иборани жуда кўп ишлатади, яъни «Маконни ўзгартиришга бўлган иштиёқ» ибораси ва шу ибора билан биргаликда айтадики, бу жараён «Ниҳоятда азобли хусусиятга эга бўлиб, ўз ҳоҳиши билан қиладиганлар кам». Инсонлар ўз ватани ва оиласини эзгуликдан тарк этмайдилар.

Азиз муштарийлар, байрамингиз муборак бўлсин! Биз биламиз, сизлар ўз яқинларингизни жуда ҳам соғинмоқдасизлар. Тезроқ улар билан омонликда юз кўришишингизни тилаймиз. Гарчи буни ҳеч иложи бўлмаса, телефон орқали дилдан суҳбат қуриш юзингизга самимий табуссум баҳш этсин. Юртларимиз тинч-фаровон, оилаларимиз мустаҳкам, халқларимиз ўртасида меҳру-оқибат йўқолмасин.

«Турон» газетаси таҳририяти

Билиш муҳим

Дин технологияларда

Ҳиндистонда эътиқодли мусулмонлар учун махсус телефон ишлаб чиқдилар. Телефон аппарати хотирасига араб тилида, шунингдек яна 29 тилда Қуръон матнлари юклатилган. Шу жумладан рус тилидагиси ҳам мавжуд. Бундан ташқари, телефон хотирасига Қуръони Каримдан иборат аудио китоб ва ҳадислар тўплами ҳам ёзилган.

Ихтирочиларнинг фикрича, «Enmac MQ710» деб номланган ғаройиб илова мусулмонлар учун жуда фойдали ҳисобланади. Шу вақтга қадар бундай вазифани бажарувчи иловалар техник қурилмаларда мавжуд эмас эди. Масалан, «Qibla Compass» дастури (Компас) Макка, яъни Қибла қайси томонда жойлашганлигини кўрсатиб туради. «Zakat Calculator» (Калькулятор) дастури эса, закот миқдорини ҳисоблаб беради (закот-муҳтожларга бериладиган солиқ тури). «Hajj Guide» («Ҳаж сафари») дастурида эса, ҳаж сафарини қандай қилиб тўғри амалга ошириш йўриқномалари батафсилбаён этилган бўлса, «Tasbeeh Counter» дастури тасбеҳни ўрнини тўлиқ боса олади. Намоз вақтида телефон автоматик тарзда овозсиз режимга ўтади.

Айни вақтда мусулмонлар учун мўлжалланган телефонлар Хитой, Гонконг ва Малайзия давлатлари магазинларида тарқатилмоқда. Яқин орада ушбу қурилма бошқа Осиё мамлакатлари бозорларида сотувда пайдо бўлади.

Телефон аппарати 240 га 340 пиксел имкониятга эга бўлган 2,8 дюймли сенсорли (сезувчан) экран билан жиҳозланган бўлиб, иккита SIM-карта билан ишлаши мумкин. Бундан ташқари, аппаратда FM-радио ва видео ёзиш имкониятига эга бўлган камера ҳам мавжуд.

«Дин ҳам, уяли алоқа воситаси ҳам инсонлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Биз шундай маҳсулот яратишга ҳаракат қилдикки, шу ҳар иккаласини ҳам бирлаштирсин, яъни – динни технология билан. Бу бутун дунё бўйлаб биринчи маротаба қилинган ҳаракатдир», – деб таъкидлайди Ануж Каниш, янги телефон ихтирочиси. Ануж Канишнинг қўшимча қилишича, унинг компанияси ҳозирги жадал ҳаётда яшаётган мижозларга Яратгани билан алоқани ушлаб туриш учун ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда.

Антон Грушин

Билиш муҳим

Рус мухожирлиги саралари

20 асрда рус мухожирлари қаторида фан, санъат, мусиқа ва театр арбоблари, олимлар ва файласуфларнинг ҳам сони кам эмас эди. Собиқ Россия даврида уларнинг исмларини тилга олиш мумкин эмас эди, маданий ютуқлари эса сир тутилган. «Қайта қуриш» даври бошланиши билан вазият бутунлай бошқача тус ола бошлади. «Темир парда» олиб ташлангандан сўнг, рус қочоқларини авлодлари ватанга қайтишга муваффақ бўлган бўлса, Собиқ Иттифоқ мамлакатлари фуқаролари эса ўз машҳур ватандошларини ижодлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлдилар. «Хориждаги рус маданий мероси Энциклопедияси» лойиҳаси айнан мана шу ҳорижда эришилган ютуқларга бағишланади.

Рус рассоми Константин Коровин 1923 йилда Россияни бутунлай тарк этади. Умрини қолган кунларини Францияда ўтказган. У Парижни ёқтирар эди, лекин қадрдон уйини жуда ҳам соғинарди

1917 йилдаги инқилобдан сўнг икки миллиондан ортиқ кишилар-Россия Империяси фуқаролари-ўз ватанларидан ажралиб қолади. Улар рус мухожирлари эдилар, улар асосан саводхон кишилар тоифасига кириши, бироз олдинроқ бирор бир камчиликсиз яшашар, ватани ва подшоларига

Энциклопедияни яратишдан мақсад-20 асрда рус мухожирлари томонидан ижтимоий фанлар ва маданият соҳаларида эришган ютуқлари тўғрисидаги билимларни тарқатиш.

ҳурмат бажо келтирар эдилар, турли кечаларда вақтичоғлик қилишар, ташвиш нима эканлиги билишмас эдилар. Кейинчалик улар турли мамлакатлардан ўзларига бошпана топадилар, қўлларида тирикчилик учун маблағсиз қолишиб, эртанги кунга ишончлари йўқолади. Асосан хориждаги рус мухожирларининг марказлари бўлиб Париж, Берлин, Прага, Белград, Нью-Йорк, Харбин, Шанхай, Италия, Буюк Британия, Болгария, Руминия, Финляндия, Польша, Бельгия, Греция, Туркия, Миср, Тунис ва Канада давлатлари шаҳарлари, Болтиқ бўйи Республикалари, Лотин Америкаси давлатларининг баъзи бир ўлкалари ва Австралия бўлади.Кўплаб мухожирларнинг умид боғлашича, большевиклар ҳукумати қулайди ва яқинда албатта уйларига қайтадилар. Лекин, тақдир тақозаси билан уларга умрини қолган даврини мусофирчиликда ўтказиш насиб этади.Улар умрини сўнги вақтигача рус урф-одатларини, диний ва маданият қадриятларини муқаддас билиб, уларни ўзларида сақлаб қоладилар.

Хориждаги рус маданий меросларини ватанга қайтариш лозимлигига жамоа диққат эътиборини биринчилардан бўлиб қаратган шахслардан бири академик Д.С.Лихачев эди. Афсуски, олимга ўз орзуларини рўёбга ошишини кўриш насиб этмаган экан. Бироқ у ўз ҳамкасбларини Энциклопедия яратишлари учун илҳомлантира олди. 2008 йилда Лихачев номидаги Фондининг ташаббуси билан Санкт-Петербург Хукумати 2011-2013 йилларга «Ватандошлар» дастурини жорий қилиб, йўлга қўйди. Ушбу дастурдан кўзланган мақсад-Шимолий пойтахт аҳолисига ушбу шаҳарда туғилиб, дунё маданиятини бойитган, бироқ, тақдир тақазоси билан хорижда меҳнат қилишга мажбур бўлган шахслар тўғрисида маълумот беришдан иборат. Фонд ходимларининг ишонч билдиришларича, ҳозирги кескин жадалликдаги дунёда ўзларига хос маданиятни сақлаш ва барча «рус», «Россия дунёси» деб номланади нарсаларни асраб-авайлаш лозим.

2011 йилнинг ноябрь ойида Дастурни биринчи босқичи ҳисобланадиган «Хориждаги руслар кашфиётчилик санъати ва архитектураси» деб номланган портал ташкил этилди (http://artrz.lfond.spb.ru). Интернетдаги бу сайтда хориждаги рус рассомлари ва архитекторларининг таржимаи ҳоллари тақдим этилган. Шу жумладан, рассом Евгения Бабель (ёзувчи Исаак Бабелнинг рафиқаси), рассом-декоратор Павел Абышкин, санам чизувчи рассом Петр Агапов, рассом Наталия Маслова-Адамович ва Александра Альтмана, либослар бўйича рассом Анна Арцышевский, суратчи Сандро Фазини, меъморлар Рено Лундин ва Петр Самонов каби машҳур шахслар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Афсуски, бу шахсларнинг исмлари замонавий Россияда камроқ танилган. Бироқ, лойиҳа муаллифларининг ишонч билдиришларича, бу яратилган сайт орқали юқоридаги буюк шахсларнинг идожий ютуқлари тўғрисида кенг омма бохабар бўлади.

Таржимаи ҳоллардан ташқари, порталда бадарға вақтида рус мухожирлари иштирок этган кўргазмалар тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган: 1921 йили Лондондаги санъат ва ҳунармандчилик биринчи рус кўргазмаси; 1922 йилдаги Берлиндаги Рус романтика театри рассомларининг кўргазмаси; 1924 йилдаги Гаага шаҳридаги рус суратлари ва нақшлари кўргазмаси; 1921 йили Париждаги «Санъат олами» гуруҳининг рус рассомлари кўргазмаси ва бошқалар. Шунингдек, санъатга бағишланган журналлар ва нашриётлар рўйхати ҳам тақдим этилган.

Бу барча маълумотларни Лихачев номидаги Фонд тадқиқотчилари сўнги 20 йил ичида тўплашга муваффақ бўлганлар. Хозирги кунда уларнинг заҳматли меҳнати маҳсули Россияни бошқа давлатлар билан маданий яқинлашуви учун муҳим омил бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Антон Грушин

Рус мухожирларини Франциядаги «Суратлар билан безатилган Россия» («La Russie Illustrée») адабий суратли журнали. 1924 йилдан то 1939 йилгача Парижда чоп этилар эди.

Маданият хабарлари

Манеждаги юбилей кўргазма

Кимлардир намойиш этилганлардан ҳайратланган бўлса, кимлардир аксинча, салбий фикр билдирдилар. Мана бу ҳақиқий истеъдоднинг аломатидир. Ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. 60-чи йилларда дунё юзини кўрган, 80-чи йилларда авжига чиқиб тўлқинланган, 90-чи йилларда жангчига айланган рассом Илья Глазунов 21 асрда ҳам аввалгидек фаол иш олиб бормоқда.

Глазуновнинг 11 йил ичидаги дастлабки кўргазмаси 2011 йилнинг 3 ноябридан то 4 декабригача бўлиб ўтди. Ушбу ўтказилган кўргазма рассомнинг яинлашиб келаётган (10 июнь) юбилей тўйига бағишланган. Санъат арбоби ўзини жонажон шаҳрида 11 йил мобайнида кўргазмалар ўтказмади. Шу боис, кўргазмани биринчи кунини у инсон петербургликлар учун совға сифатида ҳадя қилди: унинг санъат асарларидан бепул баҳра олиш имконияти яратиб берилди. Кўргазмада машҳур санъат асарлари билан биргаликда янги яратилган ишлар ҳам намойиш этилди. Рассом ўз асарларида сиёсатни, ватанпарварликни ва эпатажни ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу эса халққа хуш ёқади: Илья Глазуновни кўргазмаси очилганидан сўнг беш дақиқа ўтиб, залда юриб бўлмай қолди.

Барчанинг диққат марказида Глазуновнинг сўнги ишларидан бири «Қулоқ қилиш» асари бўлди. 2 тоннали вазнга эга бўлган матога чизилган сурат ва бўёқлар 20 асрнинг 30-чи йилларини тасвирлаб беради: қатл қилинган руҳоний, коммунистик шиорлар, ёнаётган иконалар. Суратда золимлар зулмидан жабр кўрган рус халқи тасвирлаб берилган. Қарангки, рассом бу сюжетни талабалик вақтида, Ленинградда таҳсил олиб юрган вақтда ўйлаб қўйган экан. «Менга айтишдики: агарда мен ушбу суратни чизсам, оромгоҳга жўнатишар экан. Бироқ, менинг ўйлашимча, бу бизнинг боқувчиларни қатл қилинган вақтлар энг даҳшатли даврлар бўлган. 30 миллион деҳқонлар қатл қилиниб юборилган».

Кўргазма ўтказилаётган қолган заллардаги картиналар афсонавий-эртак мавзуларига оид (Васнецов бўйича «Қадимги Руснинг жаннати қушлари», «Иван-царевич»), шунингдек, шахсан севги, марҳум рафиқаси, Достоевский, Блок ва қадимги рус архитектураси мавзуларига оид картиналар эди.

Расмга шарҳ: Эътиборли томошабин Глазуновни ўзини ҳам назаридан четда қолдирмайди: ўз картиналарининг бирида, у плакат билан бурчакда турибди.

Айтганча, рассом ўзининг баъзи бир суратларини 20 йилдан ортиқ муддат мобайнида кўрмаган: Достоевскийга бағишланган суратлар серияси Рус музейида сақланиб келинмоқда. Илья Сергеевич ушбу суратларни олиш учун қаттиқ тер тўкишга тўғри келди, бунинг учун рассом маданият вазирига мурожаат этишга мажбур бўлган.

Анна Демидова



В 2001 году Хасан Холов написал поэму «О воде»

Хасан Холов

Падар

Эй писар, дар сузи ту, номи Падар волотар аст,
Дар набарди зиндагӣ, аз тоҷи зар болотар аст.
Аз Падар мерос мемонад ба фарзанд ном ӯ,
То барад пайванд кораш, пухтаҳо аз хоми ӯ.

Он ки аз роҳи Падарҳо, хушаҳо гул мекунад,
Сарнавиштеро ба сози розӣ булбул мекунад.
Эй писар, дон дар аҷам, номи ширин дорад Падар,
Равнақи сози сухан, дар баҳру бар дорад Падар.

Қиблагоҳ, эй қиблагоҳ, номи туро гирам Падар,
Бар забон номи Шумо шаҳду шакар дорад Падар.
Гар қадам бо ту занам, рози ниҳон дорад Падар,
Панҷа бар дастат барам, сад меҳри тар дорад Падар.

Силаи дастони ту, боғи дигар дорад Падар,
Ҳар суханҳоят ба дил, сад меваи тар дорад Падар.
Шоҳроҳи зиндагӣ, номи баланд дорад Падар,
Бод бунёди дигар андар сафар дорад Падар.

Ҳар саҳар андар дилам, номи туро гирам Падар,
Нури ту бар суи ман, шому саҳар дорад назар.
Равнақи гесуи ту, қалби гузар дорад Падар,
Суҳбат андар сухан, сад болу пар дорад Падар.

Гар ҷафо чун бигзарад сад оҳ аз сузи Падар,
Ашки у резад ба рӯй, сузи дигар дорад Падар.
Эй писар дар хони дил, қудси башар дорад Падар,
Дон ба гардун номи ӯ, зеру забар дорад Падар.

Эй писар, бар дил нигар, сузи ӯро, дорад Падар,
Дидаҳо, бар дидаҳост, меҳри писар дорад Падар.

Эй писар, номи Падар, бар анҷуман овардааст,
Раббано, дар мағзу ҷон пушти Падар парвардааст.

Аз каломи маърифат, авроқҳо оранд хабар,
Ҷумла гуёи сухан, номи Падар дорад писар.

Ватан-Модар

Зи дил Раббо хамеорам, зи номи неки зан-Модар,
Ки то дорубалько паиванд, Вучуд дорад Ватан-Модар.

Вотан-Модар, хаме аз номи зан паигом овардаст
Вучуди ишкро дар хар сухан, Сергей баровардаст.

Россия! Эй, Ватан! Чарок и беканори дар дили пуршур,
Зи тори хар найитам, шеър мерезад ба мавчи нур.

Ба то сайерахо гуянд, шунав ибрози шеъри ман!
Хулое, аз дили покам, туро манн дуст медорам!

Ба то мактаб, ба як шахрхои баршукуф ин аст,
Ки меояд садои шеър, чи хуш овози ширин аст.

Хама ин зиндаги мехр аст, ки худ Сергей Есенинро,
Рабудаст ин хама шеър аст, ба то дунеи Парвинро.

Шуарро, зи хар як мисрахоят бодаи гулгун мерезад.
Ба он базму тараб бинам, нидои сулх бахрезад.

Зи дустии чахони назм, ба хар як миллати РУС ман,
Бигуям сад ташаккур бод! Зи мулки Точикистонам.

Мол булак.ру
Источник финансового успеха

«МОЛ.БУЛАК.РУ» – ёш ва истиқболи порлоқ компания. 2010 йилнинг охирларидан бошлаб Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Озарбайжон фуқароларига займлар бериш соҳасида ўз фаолиятини изчиллик билан ривожлантириб бормоқда. Компаниянинг асосий вазифаси – одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмаклашиш.
Биз, одамлар учун уларга хос бўлмаган ҳаётий муҳит, уларнинг ижтимоий ва касбий мослашишлари учун шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қиламиз.Компаниянинг молиявий хизматларига йўл очиб бериш орқали займ олувчиларимизга шахсий ҳаётидаги ва бизнесидаги вазифаларига эришишларида кўмаклашамиз. Биз фахр билан ўз фаолиятимиз маҳсули билан ўртоқлашиб, мижозларимизнинг муваффақиятлари тарихлари билан таништиришимиз мумкин. Кўп ҳолларда дунёга бошқа кўз билан қараш учун ўз кучимизга бўлган ишонч ва бир озгина молиявий кўмак етишмайди. Мижозларимизнинг муваффақиятлари тўғрисида ҳикояларни келтиришга ижозат беринг.

Манзуранинг муваффақиятли тарихи

Санкт-Петербург 2011

Асли хонадон бекаси бўлмиш Мамашарипова Манзура Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Хива туманида таваллуд топган. Унинг энг катта орзуси ўз ватанида ўз уйига эга булиш эди, лекин қанча харакат килмасин турли хил сабабларга кўра у ўз уйини қурилишини якунига етказа олиш учун етарли маблағ туплай олмас эди. Узоқ ўй ва хисоб-китоблардан сўнг Манзура ўз онаси билан ўз туғилиб ўсган юртини ташлаб узоқ Россияга, даромад топиш илинжида, кетишга қарор килди. Улар Санкт-Петербургни танлашди. Санкт-Петербургда Манзуранинг танишлари бор эди. Бошланишига улар уй-жой ва рўйхатдан ўтишга ёрдам беришди.

Манзура Россияга кўчиб келган кунидан бошлаб унинг ўзига бўлган ишончига ҳамда ўзининг имкониятларини текшириш учун узоқ синов даври бошланди. Россияда, хусусан Россиянинг шимолий пойтахти хисобланмиш Санкт-Петербургдаги ҳаёт Манзура аввал режалаштирганидан анча қиммат эканлиги аниқ бўлди. Ўзи билан бирга олиб келган пуллари кун сайин камайиб бораверди. Россияга даромад топиш мақсадида келиб, тўғри қадам қўйганлигига ишончи аста секинлик билан йўқолиб борарди.

Узоқ изланишлардан кейин Манзура, ниҳоят, ўзи учун «Народный» бозорида сотувчилик вазифаси сифатида иш топилиб қолди.Лекин унинг олдида яна бир муаммо юзага келди: ишга жойлашиш учун вақтинчалик рўйхатга турганлик гувоҳномасини муддатини чўздириш ва ишлаш учун рухсатнома олиш. Бу муаммоларни ҳал килиш учун, Манзурани ўзида етарли бўлмаган, пул керак эди. Шу билан бирга бу муаммоларни зудлик билан ҳал этиш керак эди, акс холда иш жойи бошқа кишига бериб юборилиши аниқ эди. Унинг бахтига, Ўрта Осиё фуқароларига молиявий ёрдам кўрсатувчи ва ходимлари яқиндагина бозорда кредит бериш шарт-шароитлари билан таништириш бўйича ишларни амалга оширган ва бозор ходимларига алоқа учун маълумотларни қолдириб кетган, «МОЛ.БУЛАК.РУ» компаниясига мурожаат қилишни тавсия этди.

Манзура онаси билан биргаликда ана шу компанияга маслахат олиш учун мурожаат қилишга аҳд қилди, Манзура у ердан бизнесини ривожлантириш ёки истеъмол эхтиёжлари учун маблағ олган кишилардан ижобий фикрларни эшитган эди. Ўзидаги маълум шахсий шубҳаларига қарамасдан, Манзура компаниянинг жиддийлигини ва энг асосийси у займ олиш шартларига туғри келиши ва пул олиши мумкинлиги, бинобарин ишга эга бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Руҳланиб кетган ва бахтли Манзура, кейинчалик «МОЛ.БУЛАК.РУ»га займ олиш учун мурожаат қилган, ҳамда танишларига маълумот етказишга харакат қилган.

Займ олгандан кейин Манзура ишлаш учун руҳсатнома олди, вақтинчалик рўйхат гувоҳномасини муддатини чўздириб ва, ҳаттоки колган пулни Ўзбекистонга уй қурилишини якунлаш учун жўнатиб юборди, лекин энг асосийси Манзура унинг барча орзулари амалга ошиши ва ҳаммаси яхши бўлишига ишончга эга бўлди.

«Яқин кунларда сўнгги тўловни амалга ошириб, янги займ олиш ниятидамиз. «МОЛ.БУЛАК.РУ» билан ҳамкорлик ижобий ҳис-туйғу етказибгина қолмай, балки барчамиз учун янги имкониятлар очиб бермоқда,» - дейди Манзура.

ВАКАНСИЯЛАР

КАССИР/МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ОПЕРАТОРИ

Шартлар: Тўлиқ бандлик. Ўқиш компания ҳисобидан.
Иш жойи: Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарлари.
Таҳминий вазифалари: Пул маблағларини бериш ва қабул қилиб олиш. Касса операциялари бўйича ҳисоблаш дастурида маълумотлар базасини олиб бориш.
Номзодларга қўйиладиган талаблар: РФ фуқаролиги – мажбурий. Ўрта маҳсус, тугалланмаган олий маълумот. Иш тажрибаси – шарт эмас. Маҳсус ҳисоблаш дастурлари, оргтехникадан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. Рус тилида оғзаки ва ёзма саводга эга бўлиш. Ўрта Осиё тилларидан бирига эга бўлиш (қирғ., ўзб., тож.) афзаллик ҳисобланади.

ЗАЙМ БЕРИШ БЎЙИЧА МУТАҲАССИС

Шартлар: Тўлиқ бандлик. Ўқиш компания ҳисобидан. Мобил алоқа тўлаб берилади. Транспорт ҳаражатлари тўлаб берилади.
Иш жойи: Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарлари.
Таҳминий вазифалари: Бўлғуси мижозларни жалб қилиш. Мижозларга займ бериш шартлари бўйича маслаҳатлар бериш. Мижозларнинг тўлов қобилиятларини таҳлил қилиш. Займ бериш учун хужжатларни тайёрлаш. Займларни бериш. Займларни қайтишлигини таъминлаш.
Номзодларга қўйиладиган талаблар: РФ фуқаролигига эга бўлиш – мажбурий. Тўлиқ ўрта маълумот. Займ бериш соҳасида тажрибага эга бўлиш шарт эмас. Рус тилида оғзаки нутқ ва ёзма саводга эга бўлиш. Ўрта Осиё тилларидан бирига эга бўлиш (қирғ., ўзб., тож.) афзаллик ҳисобланади. Чиқишимли, хушмуомала ва хозиржавоб бўлмоқ лозим.

Маълумот учун телефонлар: **Россия:** +7 (495) 540-55-44 **Қирғизистон:** +996 (312) 97-97-96 **Тожикистон:** +992 (44) 640-11-66

Хуршид Набиев дзюдо бўйича Жаҳон кубогида бронза медалини қўлга киритди

РФ даги Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси ахборот хизматининг маълум қилишича, Чежду шаҳрида (Жанубий Корея) дзюдо бўйича навбатдаги Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Икки кунлик курашлар якунига кўра, 90 кг гача бўлган вазн тоифасидаги курашларда бронза медалини Ўзбекистон жамоаси вакили Хуршид Набиев қўлга киритган.

Дзюдо бўйича Жаҳон кубоги бронза совриндори – Хуршид Навиев (чапдан)

Набиев ўзини дастлабки икки якка курашида америкалик Роберт Турнкуэстон ва мосубақа мезбони Кеун Су Сонгомлар устидан ғалаба қозонган. Афсуски, финал босқичига чиқиш курашларида ҳамюртимиз яна бир жанубий кореялик спортчи Дае-Нам Сонгуга имконият бой бериб қўйди, якуний натижада ушбу спортчи бу тоифада ғолибликни қўлга киритди.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Ришод Собиров ва Наврўз Жўрақобиловларда аввал қўлга киритилган олимпия лицензиялари мавжуд. Ўз навбатида, мамлакат терма жамоасидаги қолган номзодлар ҳам тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган асосий мусобақаларга чиқиш имконияти ҳали қўлдан бой беришганларича йўқ. Лондонда ўтказилиши кутилаётган Олимпиадани навбатдаги иштирокчиларини аниқлаб берадиган бўлажак турнир, Токио шаҳрида (Япония) «Катта шлем» босқичи ўтказилиши кутилмоқда. Ушбу мусобақани совринли фонди 150 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Шарқона якка кураш ва жанг санъати фетивали

Ушбу фестиваль «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Дастурга ўзбекча жанг санъати, ушу, муайтай ва қўл жанги бўйича спорт усталарининг кўргазмали чиқишлари ҳам киритилди.

РФ даги Ўзбекистон Республикаси Элчихонаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, жорий йилда ўзбек спортчилари кўплаб халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни забт этдилар. «Францияда ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида Ришод Собиров олтин медални қўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди, Наврўз Жўрақобилов эса бронза медалини соҳибига айланган. Пекин Олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида мутлоқ ғолибликни қўлга киритди. Муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкентда илк бор ўтказилган жаҳон чемпионатида 14 та олтин, 8 та кумуш ва 9 та бронза медалларни қўлга киритишиб, умум жамоа ҳисобида биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар», – деб ғурур билан таъкидлаб ўтдилар Элчихонада.

Фестивалда Ўзбекистонда шарқона якка курашни ва жанг санъатини ривожлантириш Маркази томонидан турли номинациялар бўйича спорт мавсуми ғолиблари аниқланди. Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпионати Ришод Собиров «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб тан олинди, Тошкентда муайтай бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати – «Йилнинг энг ёрқин воқеаси», Ўзбек жанг санъати Федерацияси-«Жадал ривожланиб бораётган Федерация» деб топилди.

«Бизнинг муайтайчиларнинг омадли ютуқлари-бу мамлакатда спортга, жумладан муайтайга қаратилаётган катта эътиборни маҳсулидир, -дейди Рўзиохунов. –Бундай ғамхўрлик ва эътиборга жавобан биз, ҳамиша юқори марраларни забт этишга ва Ватанимиз байроғини халқаро спорт майдонларида баланд кўтаришга ҳаракат қиламиз».

Шарқона кураш – бу санъатдир

Давлат идораларида – фақатгина армия хизматидан сўнг

Қирғизистон парламенти давлат идораларида ишлаш учун армия хизматини ўтамаган шахсларни қабул қилмасликни таклиф этмоқда. Бу ғояни 12 декабрь куни депутат Акылбек Жапаров билдирган.

Армия хизматида бўлиш хукумат идораларига катта йўл очиб беради

Унинг фикрига кўра, бундай янгиликни киритиш учун Исроил давлати намуна олса бўлади. У ерда на эркак бўлсин, на аёл, агарда армия хизматини ўтамаса, давлат мансабига-ҳукумат аъзоси ёки депутатлик лавозимига ўтира олмайди. «Биз бу меъёрларни ўзлаштиришимиз лозим, -деб ҳисоблайди депутат. -Ҳозирчи бойвачча ота-оналарни арзандалари келишяпти, альтернатив хизматни ўтаб, армиядан олиб қолинган, галстукни боғлаб олиб, бизни ҳаёт тўғрисида ўқитишга тушишади. Бу нотўғридир», -дейди депутат Жапаров.

Жогорку Кенеши мажлисида, Қирғизистондан альтернатив хизматни бутунлай бекор қилиниши тўғрисидаги фикрлар ҳам билдирилди.

Бутун дунё маданият мерослари рўйхатида қирғиз миллий гиламлари ҳам пайдо бўлиши мумкин

Қирғизистон ўзини шырдак ва ала кийиз номли миллий кигиз гиламларини ЮНЕСКО ни бутунжаҳон маданият мерослари рўйхатига киритишини сўраб мурожаат этди. Бу ҳақда ҚР маданият арбоби Женишкуль Озубекова маълум қилган.

Ҳунармандниг сўзларига кўра, айни вақтда шырдак ва ала кийиз гиламлари йўқолиб бораётган бумюлар қаторига киради. «Бу ижоднинг камёб туридир, замонавий дунёда жуда кам учратиш мумкин. Агарда қишлоқ шароитларида буларни буюм сифатида ишлатаётганликларини кўриб қолмасангиз, катта шаҳарларда буларни бутунлай эсларидан чиқариб юборганлар».

Таъкидлаб ўтамиз, қирғиз гилами қозоқлар ва тожиклар гиламидан нақшлари ва суратлари бўйича фарқ қилади. Агарда оддий одамлар уларни фарқлай олмаса, экспертлар учун бу қийинчилик туғдирмайди.

Қирғиз кийгиз гилами – Ширдоқ

Озубекованинг маълум қилишича, ҳозирги вақтда шырдаки гилами Қирғизистонда асосан Норин ва Иссиқ-Кўл вилоятларида тайёрланади. Бундан ташқари, бу гиламлар қизларга сеп сифатида ҳам ҳадя этилади. Миллий гиламлар сувенир сифатида сотиш учун ҳам тикилади, улари кўпроқ хорижликлар харид қиладилар.

20 декабрда Бишкекда янги йил ярмаркаси очилади

Бу ҳақда 13 декабрь куни Бишкек вице-мэри Вячеслав Красиенко мухбирлар билан учрашуви мобайнида маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, Ала-Тоо кинотеатри олдида ярмаркани тантанали очилиш маросимида бишкекликлар ва шаҳар меҳмонлари учун театрлаштирилган кўринишлар, куй ва қўшиқлар, конкурслар ташкиллаштирилиши кутилмоқда.

Ярмарка доирасида 15 га яқин чодирлар 50 та иш жойларида ишлаб туради. Бу ерда шаҳарликлар янги йил сувенирлари, арча безаклари, сунъий арчалар, мевалар ва ючори сифатли қандолат маҳсулотларини харид қилишлари мумкин бўлади. «У ерда маҳсулотлар аҳолини барча қатлами учун тақдим этилади, «ҳоҳлаган чўнтакка мос», деб таъкидлаб ўтди Красиенко.

Осорхонаи геология баъд аз таъмир кушода шуд

Дар маросими кушоиши осорхона 9-уми декабр президенти кишвар Эмомалӣ Раҳмон ширкат кард. Вай бо кормандон ва собиқадорони Раёсати марказии геологияи назди ҳукумати ҷумҳурӣ мулоқот кард. Масоили татбиқи Барномаи давлатии рушди геологияи Тоҷикистон дар солҳои 2012-2020 баррасӣ гардид.

Таврe сардори Раёсати марказии геологияи Тоҷикистон Азим Иброҳим изҳор дошт, барои амалисозии ин барнома ҷудо кардани 140,3 млн. сомонии буҷа дар назар аст. Ба боварии вай, дар ин самт васоили сармоягузорӣ низ ҷалб карда мешавад. «Имрӯз аллакай ҳам сармоягузорони ватанӣ ва ҳам сармоягузорони хориҷӣ изҳор карданд, ки омодаанд дар рушди соҳаи геологияи Тоҷикистон наздики 300 млн. сомонӣ сармоя гузоранд ва ман бовар дорам, ки то анҷоми татбиқи ин барнома чунин сармоягузори афзоиш меёбад», – илова мекунад Иброҳим.

Вай изҳори умедворӣ кард, ки зимни ин барномаи давлатӣ мутахассисони ҷавон низ ба кор ҷалб ҳоҳанд шуд. Бо назардошти маблағгузорӣ ҳаҷкулзаҳмати геологон ва пойгоҳи моддиву техникии хадамоти геологии Тоҷикистон хуб таъмин карда мешавад.

Хонандагони тоҷикро забони русӣ меомӯзонанд

Дар Донишгоҳи Давлатии Санкт-Петербург китобҳои ҷадидеро тибқи барномаи махсус барои атфоли тоҷик интишор карданд. Аз ин ба баъд дар мактабҳои русии Тоҷикистон аз рӯйи ин китобҳо таълим дода хоҳад шуд. Ин васоили омӯзиши забон ва адабиёти рус аз ҷониби омӯзгорони Донишгоҳ махсус барои хонандагони синфҳои 5, 10 ва 11-и мактабҳои миёна таҳия шудааст. Нашри нахуст – бо теъдоди наздик ба 25 ҳазор нусха то кунун ба рафҳои китобхонаҳои макотиб дастрас шудааст. Дар ҳамин ҳол дар пешорӯи макотиб 2 гузина қарор дорад: ин васоилро чӣ гуна истифода баранд асосӣ ё иловагӣ.

Муаллифон бовар доранд, ки китобҳои нав бояд омӯзишро ба кудакон осон гардонад. Ин китобҳо аз китобҳои анъанавӣ комилан тафовут доранд. Барои мисол, дар китоби адабиёт ҳикояҳои ҳазломези таърихӣ дар бораи Пушкин ва Гогол, эҷодиёти рушанфикри тоҷик Аҳмади Дониш ворид шудааст.

Дар Тоҷикистон ҷойҳои нави корӣ ташкил мешавад

Дар мутобиқат бо Барномаи давлатии мусоидати шуғли аҳолӣ барои солҳои 2012-2013, ки дар охири моҳи ноябр дар ҷаласаи Ҳукумати Тоҷикистон қабул гардид, дар давоми 2 соли оянда дар кишвар бояд наздики 250 ҳазор ҷойи кор ташкил шавад ва зиёда аз 27 ҳазор нафар шаҳрвандон ба омӯзиши касбу ҳунар ҷалб гарданд.

Вазири меҳнат ва ҳифзи иҷтимоии аҳолӣ Маҳмадамин Маҳмадаминов зикр кард, ки Барномаи давлатӣ ҳамчунин ҷудо кардани 5,8 млн. сомонӣ барои ба шаҳрвандони бидуни шуғл додани қарзи бефоизро, барои он ки онҳо ба савдои хурд машғул шаванд, дар назар дорад. «Дар маҷмӯъ барои бо сифат амалӣ кардани ин барнома ҷудо кардани 25,2 млн. сомонӣ аз буҷаи кишвар дар назар гирифта шудааст», изҳор дошт вазир.

Вай ҳамчунин гуфт, ки Барномаи давлатӣ ҳамаи минтақаҳои кишварро бо назардошти сатҳи шуғли аҳолӣ ва шароити рушди тиҷорати хурд фаро хоҳад гирифт.

Ўзбекистон «Умид» ўзбеклар жамияти

Ҳурматли юртдошлар сизлар учун «Умид» ҳамюртлар минтақавий жамияти «Санкт-Петербург-Самарқанд» йўналиши бўйича автобуслар қатновини амалга оширмоқда. Билетлар нархи 6000 рубль. Ўзингиз билан 30 кг багаж олишингиз мумкин 30 кг ошса килограммига 70 рублдан тўланади. Барча маълумотлар ва билетларни қаердан сотиб олиш учун телефонлар:

тел 8-952-200-11-55 677-75-49 677-75-50

Анти тамаки ҳайкали Купчинода бунёд этилди

Софийской кўчаси 44 уй қаршисида, «Факел» арт-майдони олдида «Чекишдан воз кеч-соғлиқни танла!» акцияси доирасида «Стоп» белгиси бўлган сигарет кўринишидаги антиқа ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкал тўғрисидаги асл ғоя шундан иборатки, ўзини салбий одатидан воз кечишга қарор қилган ҳар бир чекувчи, бундай қарорлари учун руҳий ёрдамни олишлари мумкин бўлади.

«Чекишдан воз кеч!»

«Акциядан кўзланган бош мақсад чекишдан бош тортган одамларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, шунингдек, Россияда бу салбий одатга қарши курашиш мавзусига жамоа эътиборини жалб этишдан иборатдир», – деб таъкидлаб ўтди Фрунзе тумани маъмурияти бошлиғи Терентий Мещеряков.

Фрунзе тумани маъмуриятида алоҳида таъкидлаб ўтишларича, чекишга қарши бунёд этилган ҳайкал, вазни оғир-250 кг бўлишига қарамасдан кўчма бўлади. Ярим йил мобайнида ушбу ҳайкал «Факел» олдида турса, кейинчалик у янги спорт мажмуасига кўчирилади.

Петербургда «Мусиқа туни» фестивали бошланди

Бу йили фестивал «Қирол учун ҳаёт» Глинки биринчи рус классик операсини биринчи маротаба намойиш этилган кунини 175 йиллигига бағишланади.

Концерт дастурлари 10 декабрь куни бешта метро бекатлари вестибюлида бўлиб ўтди. «Razzle-dazzle band» Жаз квартети «Крестовский остров» бекатида кутиб олинди. «Выборгский» бекатида эса, бирданига иккита концерт дастури амалга оширилди, яъни –«Даня ва Таня» дуэти ва халқаро ва бутунроссия конкурси лауреати Анна-Мария Лопушанскийлар чиқиш уюштирдилар. «Пролетарской» метро бекатида эса QUADROBONES ансамбли, «Обводной канал» да «Гала-Трио» гуруҳлари ўз чиқишлари билан барчани ҳушнуд этди. «Волковской»да «Мусиқали калейдоскоп» дастури билан 25 кишидан иборат «Fortis» ёшлар хор жамоаси кенг кўламда чиқишлар уюштирди.

Бу йилги «Мусиқа туни» Фестивалининг бош мақсади-малакали мусиқачиларни ва шу билан биргаликда мусиқа ишқибозларини оммабоп мусиқага, биринчи навбатда опера театрининг синтетик жанрига жалб этишдан иборатдир. Бу йил учун шиор сифатида-«Биз барчамиз операни севамиз» шиори танлаб олинди.

Эслатиб ўтамиз, «Мусиқа туни» фестивали илк бор бир йил олди Шимолий пойтахтда ўтказилган эди.

«Зенит» бош мураббийси ўз футболчиларидан мамнун

«Зенит» мураббийси Лучано Спаллетти Чемпионлар лигасини ўйинида «Порту» билан бўлиб ўтган учрашувга ўз баҳосини берди, ушбу ўйин петербургликлар жамоасининг 3:1 ҳисобдаги ғалабаси билан якунланган эди.

«Ўз футболчиларимни табриклайман, чунки улар ажойиб ўйин кўрсатдилар. Рақиб жамоа ўн киши бўлиб ўйнашларига қарамасдан, биз аъло даражада ўйнадик, жамоалар таркиби тенг бўлганда ҳам шундай ўйин кўрсатган бўлар эди» -дейди ҳайратланиб Спаллетти.

«... чиройли ғалабага эришдик, бу клуб тарихида қолади», – деб бош мураббий сўзларига қўшимча қилди жамоа дарвазобони Вячеслав Малафеев.

«Зенит» ифтихори мураббий – Лучано Спалетти

Петербург билан танишув

Шарқ маликаси Сўғдиёна

Қадим-қадим замонларда, шахзодалар оқ отларда юрган даврларда, маликалар интизорлик билан уларни кутар эдилар, шу замонларда Ўзбекистон худудида Сўғдиёна деб номланмиш давлат бўлган экан. Заравшон ва Қашқадарё дарёлари бўйларида ёйилиб жойлашган ушбу давлат, доимо гуллаб яшнаган, равнақ топган. Шу сабаб, олимлар ҳам бу мамлакатни ривожланиш тебранишларидан бири деб бежизга ҳисобламайдилар. Айни вақтда бу сирли давлат мавжуд эмас, лекин унинг ажойиб Сўғдиёна номи одамлар тилида сақланиб қолган. Шу боис, бир вақтлари Тошкентда Оксана исмли қизалоқ дунёга келади ва у кўп ўтмай Сўғдиёна номи остида ҳақиқий юлдузга айланади. Айнан шу итеъдодли қўшиқчи тўғрисида биз сизлар сўзлаб берамиз, азиз муштарийлар.

Шоира, бастакор ва қўшиқчи Сўғдиёнанинг ижодида замонавий мусиқа билан шарқ эртаклари кайфияти ҳамоҳанг равишда ижро топади. Унинг қўшиқлари енгил ва вазнсиздир. Шарқнинг «муаттар акси» унга алоҳида бир таниш услуб бериб туради. Қизалоқда мусиқага бўлган иштиёқ анча олдин пайдо бўлди, унинг ота-онасини мусиқага умуман алоқалари бўлмаган. Қизалоқ ижодий бола сифатида вояга етади: болаликдан суратлар чизарди, куйларди, рақга тушар эди, ўзини қариндошлари ва меҳмонлари учун кичик концерт дастурларини ўтказар эди. Ота-онаси қизалоқдаги истеъдодни ўз вақтида пайқайдилар, шу боис уни ёшлигидан махсус мусиқа мактабига берадилар. У ерда қизалоқ фортепиано соҳаси бўйича 11 йил таълим олади. Ўсмирин пианиначини келажаги буюклигини башорат этадилар, унинг ўзи ҳам юксак ютуқларга эришини ҳамиша ҳис этиб туради. Ҳаттоки, юксак маҳорат билан ижро этилган православ бастакорларининг этюдларини ҳам унинг шахсий ижодидаги ютуқлари билан тенглаштириб бўлмайди. Шу боис, фортепьянога қўшимча тарзда, у 8 синфдан бошлаб, вокал билан ҳам қизиқа бошлайди. Энди қизнинг юраги нимага интилаётганини аниқ билиб туради... шу ондан бошлаб, чарақлаётган эстрада юлдузи Сўғдиёнанинг тарихи бошланади.

Сўғдиёна кўплаб Халқаро ва Республика миқёсидаги конкурсларда иштирок этишни бошлайди ва доимо совриндорлар қаторида бўлади. Лекин ҳақиқий қўшиқчи фақатгина конкурслар ва дипломлар билан яшай олмаслигини сезади. Шунинг учун, ўзини шахсий қўшиқлари устида, секин бўлсада, лекин ўзининг дебют альбоми учун материалларни танлаб, ишлай бошлайди. Шундай қилиб унинг биринчи диски 2001 йилда чиқиб, «Менинг кўнглим» деб аталади. Кўп ўтмай у Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг эстрада вокал факультетига ўқишга киради.

Ҳаётий хушчақчақ ва ажойиб қўшиқчи, ўз истеъдоди билан дунёга машҳур бўлди.

2003 йилда Сўғдиёна Ўзбекистоннинг энг юксак ёшлар совриниси «Нихол» давлат мукофотини олишга муяссар бўлади. Бу ҳақиқий тан олиш бўлади. Демак, қўшиқчи миллионлаб тингловчиларга ўз истеъдодини намоён этади.

Сўғдиёнани репертуарида бирин кетин ҳақиқий хитлар ва видеоклиплар пайдо бўла бошлади. «Менинг шахзодам... барибир келар!» деб номланган икки албоми хам омадли чиқди. Лекин қўшиқчининг ҳаётидаги энг ёркин ҳолат бу, унинг «Фабрика звезд-6» да иштирок этгани бўлган. У ушбу конкурсда ғолиб деб топилмаган бўлса ҳам, бироқ ўзини «Юрак махзун» деб номланган қўшиғи билан Россиялик минглаб тингловчиларни юрагига йўл топа олди. Ўзининг самимийлиги ва нигоҳлари билан атрофдаги муҳлисларни сеҳрлаб қўйган.

Ўша вақтгача Сўғдиёна нафақат ўз ватанини қахрамонига айланибгина қолмасдан, балки бутун дунёдаги мухлислар қалбига йўл топган. Мамлакат кинотеатрларида катта қизиқиш билан унинг иштироки билан «Хўжа Насриддин» ва «Сўғдиёна» деб номланган икки фильмлар намойишида кинотеатрларда одамнинг кўплигидан, хатто туришга ҳам жой топилмаган. Тошкентдаги концерт дастурларида ҳам олма тушадиган жой бўлмаган.

Хаттоки уч кун давом этган, бағрига тўрт минг томошабинни оладиган улкан концерт залларида ҳам қўшиқчини тирик овозини эшитишга тўпланган одамларнинг хаддан зиёдлигидан жойлар катта муаммо бўлган.

Шу йилнинг ўзида қўшиқчи Россия саҳналарида нуфузли совринлардан бири бўлган «Олтин граммофон» мукофотини совриндори бўлган. Шундан сўнг кўп ўтмай, иккинчи «Олтин граммофонни» «Синее небо» қўшиғи учун қўлга киритади.

2010 йилнинг март ойида қўшиқчи ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа содир бўлди- иккинчи ўғли дунёга келди. Шу йили Сўғдиёна «Радиофаворит»-ижрочиси номинацияси бўйича «Бог эфира» совринини олишга муяссар бўлади. Бу билан у, агар истак бўлса, ҳар қандай аёл ҳам иш фаолиятида ва шахсий ҳаётида ҳам улкан ютуқларга эришса бўлишлигини исботлаб берди.

Айни вақтда қўшиқчи ижодини фаол давом эттирмоқда. Унинг қўшиқлари Россиянинг барча радиостанциялари эфирларида янграб турибди. Қўшиқ учун бу фақат бошланиши холос. Шарқ маликаси янада улкан юлдузлик чўққиларини забт этишга тайёр. Чунки Сўғдиёнанинг энг асосий шиори бу «Юлдузларга қараб олға!»

Қисқача таржимаи ҳоли:

17 февраль 1984 й. – Сўғдиёна таваллуд топган кун.

2001 г. – «Менинг кўнглим» дебют альбоми чиқди.

2005 й. – Эстрада қўшиқлари ижрочиларининг «Canzoni Dal Mondo» Халқаро конкурсида соврин сохибаси бўлган (Италия).

2005 й. -иккинчи «Менинг шахзодам ... барибир келади!» номли албоми дунё юзини кўрди.

Март, 2006 й. – қўшиқчи «Фабрика звезд-6» Виктор Дробыш бошчилигидаги Россия бош телевизион конкурсида иштирок этади .

Ноябрь, 2006 й. – «Сердце магнит» қўшиғи учун Россия мукофоти «Олтин граммафон» ни қўлга киритади.

Октябрь, 2007 й. – Сўғдиёнада ўғил туғилади Арджун.

Декабрь, 2007 й. – «Олтин граммафон» нинг иккинчи маротаба совриндори бўлади ва «Синее небо» қўшиғи учун олтин статуэткани олади.

Февраль, 2008 г. – биринчи Россиядаги «Сердце Магнит» деб номланган албоми чиқади .

Сентябрь, 2008 й. – «Разлетелись облака» номли қўшиғига клип ишлайди, ва шу йилнинг декабрь ойида Сўғдиёна қайтадан «Олтин граммафон» конкурсида «Ветер догнать» деб номланган қўшиғи учун ғолиб деб топилади .

2009 й. – «Мени эсла», «Эдемдан Шарқга, «Сен билан ёки сенсиз» қўшиқларига янги видеоклиплар суратга олинди.

2009 й. – қўшиқчи Чечен Республикаси ҳалқ артисти унвонини олди.

22 март 2010 й. – Сўғдиёнадан иккинчи ўғил Микаил дунёга келди.

Ўзининг самимийлиги ва нигоҳлари билан атрофдаги мухлисларни сеҳрлаб олган

Меҳнат мухожирлари учун Ўзаро ёрдам Кассалари

Только для членов КПК.
ОГРН 1117847049143

Бу шундай жойки, у ерда барча Ўрта Осиёликлар ўзларини пул омонатларини қўйишлари ёки кредитга пул олишлари мумкин.

Пул омонатларини қандай қўйиш мумкин?

Сиз ўзингиз билан паспортингизни олиб келасиз ва ўзингизни номингизга ҳисоб рақамини очасиз. Омонат тарзида 500 рублдан бошлаб, хоҳлаган миқдордаги пулни қўйиш мумкин. Сўнгра имконият даражасида ўзингизни ҳисобингизни тўлдириб борасиз ва бу билан қўшимча даромадни қўлга киритасиз.

Қўшимча фоизли даромад – 18 % йилига!

Ўзаро ёрдам Кассасидан қандай қилиб кредит олиш мумкин?

Юқоридаги сингари ўзингиз билан шахсий паспортингизни олиб келасиз ва Кассадан керакли миқдордаги пул кредитини (5000 рублгача) бир ой муддатга оласиз. Ҳеч қандай маълумотномалар ва кафилликлар талаб қилинмайди.

Кассани қандай афзалликлари мавжуд?

Бу ерда сизлар билан рус ва ўзбек тилларини мукаммал даражада биладиган мутахасислар иш олиб боради;

Омонатлар туфайли сизлар маблағингизни кўпайтириб Ватанга жўнатишингиз мумкин бўлади;

Меҳнат мухожирлари учун Ўзаро ёрдам Кассасида омонатлар бўйича энг фойдали фоиздаги даромадлар мавжуд;

Бу ерда кредит олиш жуда ҳам оддий ва осон, шунинг боис ўзингизни режаларингизни орқага суришингиз ва маошгача кутиб ўтиришингизни ҳожати йўқ.

Ўзаро ёрдам Кассаси қаерда жойлашган?

Касса «Тошкент» озиқ – овқат магазинида жойлашган. Магазин манзили: Санкт-Петербург, «Ломоносовская» метро бекати, Седова кўчаси, 89 уй. Метродан № 118 сонли ёки К5 сонли маршруткаларда «Бульвар Красных Зорь» бекатигача бориш лозим. Ёки метродан магазингача 20 дақиқада пиёда юриб борса бўлади. Магазин телефонлари: 362-08-87.

Петровский
филиал банка Открытие

ОАО Банк «ОТКРЫТИЕ». Генеральная лицензия Банка России №2179 от 27.09.2010 г.

ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ В СТРАНЫ СНГ

принимаем РУБЛИ

переводим ДОЛЛАРЫ

ЭКОНОМИЯ ВРЕМЕНИ

Вам больше не надо искать обменный пункт. Теперь Вам достаточно прийти в один из более чем 100 пунктов Филиала «Петровский» Банка «Открытие» с рублями РФ и воспользоваться возможностью выдачи Вашего перевода в долларах.

БЕЗОПАСНОСТЬ

Вы будете совершенно точно знать курс обмена и точную сумму, которую получит адресат перевода.
Вы полностью застрахованы от получения фальшивых и сомнительных купюр при обмене иностранной валюты в нелегальных пунктах обмена.

ВЫГОДНЫЙ ТАРИФ И КУРС ОБМЕНА ВАЛЮТЫ

С новой услугой Вы отправляете переводы по НОВОМУ ВЫГОДНОМУ ТАРИФУ и по лучшему курсу обмена валюты*.

до 100 000 руб.	от 100 000 руб.
1 %	0,7 %

*Конвертация рублей в доллары осуществляется по курсу ОАО КБ «ЮНИСТРИМ» на момент отправки перевода.

СПРАШИВАЙТЕ УСЛУГУ ВО ВСЕХ ОТДЕЛЕНИЯХ ФИЛИАЛА «ПЕТРОВСКИЙ» БАНКА «ОТКРЫТИЕ»

телефон справочной службы 8-800-700-787-7

UNIStream
ЮНИСТРИМ
ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

8 800 333 2244
(Звонки по России бесплатные)

www.unistream.ru
ОАО КБ«ЮНИСТРИМ». Лицензия Банка России № 3467.